



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (12.400)

Баҳоси эркин нарҳда

9 май —
Хотира ва
қадрлаш куни

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Ёкубов (ЎЗА) олган сурат

ВАТАНГА МУҲАББАТ — УЛУҒ ТҮЙҒУ

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фахрийларига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни арафасида, 2013 йил 25 апрелда «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилингани ҳам фахрийларимизга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Халқимизга хос Ватанга муҳаббат, юртпарварлик,

масъулият ва меҳнатсеварлик каби энг яхши фазилатлар ҳар доим намоён бўлади. Буни уруш фахрийси Акмал Акрамов ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

1941 йилда у кўнгилли бўлиб фронтга йўл олди. Қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғуларни қийинчиликларни енгиб ўтишда унга мадад бўлди. Урушдан кей-

ин Тошкент молия институти таълим олиб, иқтисодчи мутахассислигини эгаллади. А.Акрамов савдо ва молия соҳасида 40 йилдан ортиқ меҳнат қилди. Президентимизнинг Фармонида мувофиқ «Жасорат» медали билан мукофотланди.

— Ватан ҳимояси ҳар бир эркак учун муқаддас бурчдир, — дейди ЎЗА муҳбирига А.Акрамов. — Мамлакатимизда барча жабҳаларда яратилаётган шароитларнинг қадрига етиш лозим. Кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик, эътибор ва ҳурмат туйғуларни биз, фахрийлар ўзимизни ҳамиша бардам ва тетик ҳис этмоқдамиз.

Роман БОНДАРЧУК

Пойтахтимизда АКТни баҳолашнинг халқаро мезонларини Ўзбекистонда татбиқ этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

АКТНИ БАҲОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси томонидан ташкил этилди. Анжуманда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг раиси Х.Мирзохидов ва бошқалар Ўзбекистонда барча соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, хусусан, аҳоли ва юридик шахсларга давлат ҳокимияти органлари веб-сайтлари ҳамда ҳукумат портали орқали интерфаол хизматлар кўрсатиш самарасида электрон ҳукумат тизимини шакллантириш борасида изчил ислохотлар амалга ошириладиганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасида истиқболдаги вазифаларни белгилар экан, «Электрон ҳукумат» тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идораларо ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат давлат тузилмаларини бошқариш, балки давлат ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорликка қўмақлашган ҳолда иш жараёнларини самарали ривожлантириш, фуқароларга интернет тармоғи орқали интерфаол давлат хизматларидан янада қулай фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари аҳоли ва юридик шахсларга интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш учун мақсадли тарзда кенг татбиқ этилмоқда. «Электрон ҳукумат»нинг самарали жиҳатлари сифатида турли соҳаларда йиғирмадан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Ҳозир давлат органларининг веб-саҳифала-

ри ва Ўзбекистон Республикасининг www.gov.uz ҳукумат портали ёрдамида турт юздан зиёд интерфаол давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

«Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши натижа-сида турли идораларга бориш ва давлат хизматларига бўлиқ ўтиш кўзда тутилмоқда. Бу эса аҳолига қўшимча қулайликлар яратишни янада яхши-лашга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, «электрон ҳукумат» ривожланиш даражасини баҳолашнинг БМТга оид рейтинг икки йилда бир марта дунё мамлакатларида маъмурий ва иқтисодий масалаларни ечишда АКТни қўллаш даражасини баҳолаш ва давлат хизматларини кўрсатишда замонавий технологияларни ўзлаштириш бўйича тадқиқот ўтказди.

— «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш давлат бошқарув ҳокимияти органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга хизмат қилади, — дейди ЎЗА муҳбирига БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ривожлантириш, электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Бу сайёҳаракатлар Ўзбекистонда аҳоли ва давлат бошқаруви органлари ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

БМТнинг «электрон ҳукумат» тараққиёти ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида Ўзбекистонда «электрон ҳукумат» жиҳатларини татбиқ қилиш борасидаги ислохотлар юксак суръатлар билан амалга оширилаётгани, хусусан, бу борада ҳуқуқий асослар янада ривожлантирилаётгани ва ҳукумат портали такомиллаштирилаётгани алоҳида таъкидланган. Мазкур босқичда ижобий ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, «электрон ҳукумат» тизимини тараққиётини баҳолаш мезонларини қўллаш долзарб масала ҳисобланади.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда АКТни баҳолашнинг халқаро мезонларини татбиқ этиш, хусусан, давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш асослари, электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланишни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ирода УМАРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззахда «Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалаларини» мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, вилоят, шаҳар, туман сайлов комиссиялари раислари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

• Андижонда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни олдидан «Озод юртининг обод гўшалари» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари вилоятда ўтказилаётган ободонлаштириш ўн кунлиги доирасида Андижон шаҳридаги қабристон ва зиёратгоҳларда олиб борилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ишларида қатнашдилар.

• Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида «Ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда янги имкониятлар» мавзусида тадбир ўтказилди.

• «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган «Polipropilen quruvlar» шўъба корхонасига Австриядан 1,3 миллион АКШ долларлик технологик линия келтирилиб, диаметри 75, 90, 110 миллиметрли полипропилен қувурлар ҳамда уларни боғловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада 25 нафар мутахассис ишга қабул қилинди ва уларнинг аксариятини касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшлар ташкил этади.

ЖАҲОНДА

• АКШлик олимлар яқин келажақда самолётларнинг Атлантика океани орқали Европадан Америкага парвоз қилишининг сезиларли даражада қийинлашиши ҳақида авиация мутахассисларини огоҳлантирди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қаршидан эсувчи шамоллар гирдобини янада кучаяди. Бу эса самолётлар парвозига яхшигина тўсиқ бўлади. Бинобарин, Шимолий Атлантика устида парвоз қилувчи самолётларнинг атмосферадаги гирдобли ҳаракатни енгиб ўтиш учун кўпроқ ёнилғи сарфлашлари тўғрисида келди.

• Хитойлик ҳакерларнинг узок вақт давомида амалга оширган қатор киберхужумлари натижа-сида АКШдаги муҳофаага тааллуқли компаниялардан истиқболли ҳарбий ишланмаларга боғлиқ жуда қимматли маълумотларнинг ўғирланганлиги маълум бўлди. Бир қанча терабайт ҳажмдаги маълумотлар ўғирланган ҳақерлик хужумлари 2007 йилдан 2010 йилгача давом этган.

• Косово прокуратураси томонидан инсон танаси аъзолари билан савдо қилиш, қишлоқларга огир тан жароҳатлари етказиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик ва коррупция жиноятларида гумон қилинаётган саккиз киши устидан янги жиноий иш очилди.

• Австралиялик олимлар эрби атоми ва транзистор негизига квант компьютерларини ўзига хос квант интернети бирлаштиришга имкон яратадиган янги гибрид қурилмани яратдилар.

САРМОЯВИЙ ФАОЛЛИК ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Банк-молия академияси ҳамкорлигида Ўзбекистондаги молиявий институтларнинг сармоявий фаоллигини жадаллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди. Унда парламент аъзолари, тегишли вазирлик, молия-кредит ва банк муассасалари мутахассислари, юртимиздаги хорижий молия институтларининг ваколатхоналари вакиллари, олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси А.Алтиев, Ўзбекистон Марказий банки раисининг ўринбосари А.Хайдаров, Ўзбекистон банклари ассоциацияси раиси С.Абдуллаев, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Такуя Камата ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг сармоявий фаоллигини янада кучайтириш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, экспортбон маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ва сифатини оширишга хизмат қиладиганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсат-

кичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Буларнинг самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг қарийб 84 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди. Умумий қиймати 4,3 миллиард долларга тенг 114 янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Конференцияда банк-молия тизимини барқарор ривожлантириш, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг сармоявий фаоллигини янада ошириш, хорижий инвестициялар ва ички ресурсларни жалб қилиш қўламини кенгайтириш, реал сектор тармоқларида инвестицияларни суғурталашнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** ҳаво йўллари» миллий авиакомпани-

яси «Кетринг» давлат унитар корхонасида «Фуқароларимиз тинчлиги учун барчамиз масъулмиз» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Акбаробод» маҳалласида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб спорт мусобақаси ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Миробод туманидаги «Туркистон Файз» кафесида Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан уруш қатнашчилари иштирокида тадбир ташкил этилади.



Обод турмуш йили Давлат дастури доирасида «Соғлом юрт фарзандларимиз» шиори остида Тошкент Тиббиёт академиясида бир ой давомида «Саломатлик мезонлари» спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда академиянинг профессор-ўқитувчилари, шифокорлар ҳамда талабалар иштирок этдилар.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида бундай тадбирлар ўқув муассасасида доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Бу каби саломатлик мусобақалари профессор-ўқитувчиларнинг, шифокор ва талабаларнинг соғлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, талабаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, улар қалбида спортга иштиёқ уйғотиш мақсадида ташкил қилинди, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори И. Магзумов. — Зеро, соғлом танда соғ ақл деган ҳикматли сўз бежизга айтилмаган. Бинобарин, ўқув муассасамизда бундай хайрли тадбирларнинг анъанавий равишда ўтказиб келиниши ҳам келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин ёшларимизнинг бардам, соғлом, ақлу тафаккурга эга комил инсонлар бўлиб етишишида муҳим омили ҳисобланади. Чунки спорт саломатлик, гўзаллик ва нафосат рамзидир.

Дарҳақиқат, бундай тадбирлар профессор-ўқитувчиларнинг ўз устиларида ишлашлари, саломатлик-

ларини тиклашлари учун ўзига хос имконият бўлса, талабалар учун кўргазмалли амалий машқлар, соғлиқларини мустаҳкамлаш, ақлий фаолиятларини чинқитириш учун яна бир омилдир. Асосийси мусобақалар очик дарс сифатида барчага манзур бўлмоқда

2013 йил — Обод турмуш йили

ЁШЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ — ЮРТИМИЗ БОЙЛИГИ

ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш учун хизмат қилади.

Мазкур саломатлик ойлигида, Тошкент Тиббиёт академиясининг барча профессор-ўқитувчилари, 1, 2, 3-клиника шифокорлари, академиянинг Урганч, Фарғона филиаллари, Олмазор туман ҳокимлиги ходимлари ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

Спорт мусобақасига тайёргарлик жорий йилнинг март ойидан бошланган бўлиб, дастлаб факультет-

лар, академик лицей ва клиника жамоалари бир ой давомида ўзаро куч синашди.

«Шифокор» спорт мажмуасида эса ўйинларнинг финал босқичи ўтказилди. Иштирокчилар югуриш эстафетаси, волейбол, футбол, аёллар ўртасида шейпинг каби спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатиб, совринли ўринларни эгаллаш учун кураш олиб бордилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ходиев, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Қ. Шоназаровлар сўзга чиқиб, барча меҳмонлар ва иштирокчиларни ушбу ёшларнинг спорт байрами билан табриклади.

Мусобақалар давомида иштирокчиларнинг маҳоратлари етук спорт усталари томонидан ҳаққоний баҳолаб борилиди ва ғолиблар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Иқтидорли санъаткорлар томонидан ижро этилган дилрабо куй ва кўшиқлар, «Булбулча» жамоасининг чиқишлари йиғилганларнинг қалбига ҳушудлик бағишлади.

СУРАТЛАРДА: «Саломатлик мезонлари» мусобақаларидан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан барқарор ривожланишда маданиятнинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.



«Асрлар садоси — 2013»

САНЪАТ — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани бунинг тасдиғидир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган «Асрлар садоси» маданият фестивали умрбоқий маънавий меросимизни кенг жамоатчилик, хорижлик меҳмонларга яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда олтинчи марта ташкил этилаётган фестивалнинг Навоий вилоятидаги Сармишсой дараси-

да ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, неча минг йиллик тарих, маънавий хазинани ўз бағрига жўтган ушбу маскан тарихчилар, археологлар, қадимшунослар учун истиқболдаги кўплаб тадқиқотлар, илмий излашлар манбаидир.

Давра суҳбатида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда маданият ва санъатнинг аҳамияти хусусида атрафлича сўз юритилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Танловлар

ҚИЗЛАР МАЛИКАСИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида факультетларaro «Балли, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилишидан кўзланган мақсад, қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз иқтидорларини намоян қилишдан иборат.

Орасталик, маҳорат, гўзаллик, нафосат уйғунлигидаги ушбу танлов давомида саккизта факультетнинг 1-босқич талабаларидан 8 нафар қизлар 5 та шарт асосида беллашди. Яъни талабалар «Таништирув», «Диққатга сазовор жойлар», «Соч турмаклаш», «Кийиниш маданияти» ва «Эркин мавзу» шартлари бўйича маҳоратларини намоян этишди. Иштирок этган қизларнинг барчаси турли сахна кўринишлари, куй-кўшиқ ва рақслари билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ушбу танловда халқаро журналистика факультети талабаси Ҳамида Усмонова ўз маҳорати ва қобилиятини тўла намоян қилиб, «Балли, қизлар» маликаси номинациясини кўлга киритди. Ёш бўлишига қарамай кўплаб ютуқлар эгаси бўлмиш Ҳамида университет ўқув ва ташкилий ишларида фаол қизлар сирасига қиради.

— Танлов ғолибаси сифатида шунинг айтишим мумкинки, бу кўрик қизларимизнинг маҳоратли эканлигини кўрсатади ва тенгдошлари орасида намунали сифатларининг эътирофи этилишига тўлақонли имконият яратиб беради, — дейди Ҳамида Усмонова. — Ушбу танлов мен учун жуда омадли кечди ва мени кўллаб-қувватлаган гуруҳдош дўгоналаримдан беҳад миннатдорман. Танлов шунингдек, янги дўгоналар орттиришимга имконият яратди.

Танловда иштирок этаётган қизларнинг кўзларидаги қувонч нурини, юракларидаги шижоатини кўриб ҳавасингиз келади. Уларга қарата фақат бир сўз айтишимиз мумкин: «Балли, қизлар!»



Зиёда ОРТИКОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI



**ISTE'MOLCHI,
HUQUQINGIZ BUZILDIMI?
MUROJAAT ETING!**



ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

1-Тошкент педагогика коллежи томонидан 2000 йил 3 июлда Абдурашулова Нигора Абдуганиевна номига берилган 3287 рўйхат рақамли № 377216 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

П.Ф.Боровский номи тиббиёт коллежи томонидан 2006 йил 3 июлда Абдурахманова Феруза Зоировна номига берилган 605 рўйхат рақамли К. №523176 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оз-оз ўрганиб домо бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Хурмат сўраб олинмайди.

Меҳр яшнатади,
Қаҳр қақшатади.

Миннат аралашган яхшилик ёмонликдан баттар.

Ҳамма ҳам ўзига муносиб ҳаётни яшаб ўтади.

Иккиланиш изтироб туғдиради.

Куруқ хаёл — топар завоёл.

Кўнгли торлик — хасталик.

Ўзинг — сабаб, бошқалар шунчаки восита бўлади. Бинобарин, бахтингга ҳам, бахтсизлигингга ҳам ўзинг асосий сабабчисан.

Бахтни биров бермайди.

Таъсирчан кишининг ҳаёти қийин кечади.

Омад — омонат, чунки у бир келади-ю кетади.

Инсон кўпинча ўзининг бахти нимадалигини билмайди.

Нодон боши деворга урилмагунча йўлидан қайтмайди.

Нодонни панд-насихат эмас, ҳаёт зарбалари йўлга солади.

Одамларнинг гап-сўзи ишдан қўяди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«Тошкент оқшоми» газетаси жамоаси таҳририят ходими Назокат Жалиловага отаси **Шавкат ТУЛАГАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати хабарига кўра, 7 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазга кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11938 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 14.30